



## Жамият таракқиётида ёшлар кадриятли ориентациясининг аҳамияти

Андижон Давлат Университети  
мустақил тадқиқотчиси: Искандарова, Д.М

Ҳар қандай кадрият жамиятда ва инсон ҳаётида маълум ижтимоий функцияларни, вазифаларни бажаради. Кадрият тўғрисида гапирилганда, ҳар қандай таҳлил қилинаётган объект маълум маънода аксиологик хусусиятга эга бўлишини эътироф этиш мумкин. Инсонни ўраб турган объектив борлиқдан маълум элементларнинг айрим мақсадлар асосида танлаб олинишининг ўзи уларга кадрият сифатида ёндашилганини ҳамда уларнинг аҳамиятга эгаллиги яъни, кадриятли эканлигини англатади. Уларнинг моҳияти жамият ва инсон учун аҳамиятга эгаллиги сабабли жамиятнинг ижтимоий ҳаёти ва жамият аъзоларининг ҳаётини тартибга солиб туриши сабабли ҳам кадрият сифатида танланади.

Жамият маълум барқарор тизимдан иборат. Барқарорлик жамият мавжудлигининг асосий шarti ва омилидир. Жамият барқарорлиги жараёнида кадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни муаммоси муҳим ҳисобланади. Чунки жамиятнинг барқарор муҳити кадриятлар, уларнинг ўзгариб бориши, динамикаси ҳамда янги юзага келаётган кадриятлар асосида инсонлар эҳтиёжининг ўзгариб, ўсиб бориши каби объектив ҳодисаларнинг кечишига диалектик алоқадор. Жамият тизимининг барқарорлигини уни ташкил этувчи элементларнинг хусусиятлари белгилайди. Бу кадриятларнинг моҳиятини жамият, миллат, шахс, томонидан уларнинг эҳтиёжини ҳамда талабларини қондирувчи муҳим ижтимоий ҳодиса сифатида тан олишлари белгилайди.

Албатта, жамият мунтазам ўзгариб туради, унга мос равишда кадриятлар ҳам ўзгариб, айримлари кадриятлилиқ хусусиятини йўқотиб боради, уларнинг ўрнига янги моҳиятга эга бўлган жамият ва унинг аъзоларининг янги эҳтиёжларини қондира оладиган ҳамда давр хусусиятга мос тушадиган кадриятлар пайдо бўлади. Бу жараёнлар ўз навбатида янги юзага келаётган кадриятларни жамият аъзолари томонидан қабул этиб эътироф қилиниши, уларга амал қилиниши ёки аксинча,



мазкур кадриятларни жамият томонидан қабул қилинмаслиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни юзага келтиради. “Кадриятларнинг асосий белгиси уларни жамият ва шахс томонидан қабул қилинишидир. Жамият тараққиёти билан кадриятлар ҳам ўзгаради, янги кадриятларни жамият томонидан қабул қилиниши ва ўзлаштирилиши муаммоси юзага келади”<sup>52</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида “Биринчи навбатда ёшларнинг онгини, тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”<sup>53</sup>, деган эди. Президентимиз, ҳукумат ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратмоқда. Сўнгги йилларда мамлакатда улар учун яратилган имкониятлар, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш борасида амалга оширилаётган чоратadbирлар ана шулар жумласидандир. Чунки Ш.М.Мирзиёев ибораси билан айтганда “БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидлаганидек,” Ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар мужассам топган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади” мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан<sup>54</sup>.

Ўзбекистон тараққиётининг стратегиясини ёшларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янги Ўзбекистонни яратишнинг субъектив омили ёшлардир. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда мамлакатда амалга оширилаётган жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш борасида ҳукуматимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда доим ҳам ёшлар тарбиясига катта эътибор берилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзбек ёшларининг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда. “Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда”<sup>55</sup>. Президентимиз айтадики: Мени доимо

<sup>52</sup> Юлдашева Ф.Х. Роль ценностей ислама в процессе духовного обновления общества. Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. –Т.:2006.–С.37.

<sup>53</sup> БМТ ДАГИ НУТҚИ 2017 Й

<sup>54</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.– Т.:Ўзбекистон. 2021. Б-231.

<sup>55</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси.– Т.:Ўзбекистон. 2021.Б. 255



ўйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу-ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданий савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси билан боғлиқ.

Маълумки, бугунги тез ўзгариб бораётган шиддатли даврда миллий қадриятларни сақлаб қолиш, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш мураккаб масала. Миллий ахлоқ миллий тарбияни ҳимоя қилиши мумкин бўлган тизимлардан бири бу олий таълим тизими. Аммо ҳозирги кунда мазкур тизимнинг ўзи ҳам глобаллашувнинг таъсири остида қолмоқда. Жамият олдида турган вазифалардан бири ёшларда тўғри аксиологик ориентацияни шакллантиришгина эмас, аввало мазкур қадриятларни ҳимоя қилишдан иборат.

Ёшларнинг қадриятли ориентацияси тўғрисида сўз борганда, аввало, ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатида ўзига хос жиҳатларини, яъни уларнинг доимий равишда янгиликларга интилиши, бажараётган ишининг натижасига тезлик билан эга бўлишни хоҳлаши, руҳиятининг маълум маънода беқарорлиги, бирдан кўп нарсага эришишни хоҳлаши, бир вақтнинг ўзида “шу ерда ва ҳамма ерда” бўлишни исташлари каби хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Бу борадаги асосий вазифалардан бири, аввало миллий қадриятларга содиқлик хусусиятини ёшлар онгида шакллантириш билан боғлиқ. Жамиятнинг ижтимоий гуруҳлари қаторида ёш нуқтаи назаридан ёшлар, ўрта ёшлилар ва кексалар шартли равишда бўлиниши мумкин. Ёшлар гуруҳининг таркибида талаба ёшлар ўзига хос ўрин эгаллайди. Ёшлар Ўзбекистон аҳолисининг ..... % ташкил этган ҳолда талаба ёшлар уларнинг .....% дан иборат. Ёшлар ижтимоий гуруҳ сифатида энг динамик хусусиятга эга бўлган, мунтазам маънавий -ахлоқий ҳамда интеллектуал жиҳатдан ўсиб боровчи гуруҳдир. Уларнинг қадриятлари ҳам ўзгариб турувчи, ўзининг хусусиятларига мос бўлиб, замонавий ва инновацион ҳарактерга эга.

Ёшлар томонидан танланган ва ўзлаштирилган қадриятлар ижтимоий жиҳатдан мазкур жамиятларнинг фундаментал ахлоқий асосларини белгилайди. Улар жамият тизимининг бутунлигини ифода этади. Уларнинг давомийлиги ҳамда яшовчанлиги жамиятнинг хусусиятини белгилайди. Ёшлар томонидан ўзлаштирилиб, қабул



қилинган қадриятлар маълум даврга ва маълум ижтимоий маконга мўлжалланган. Демак, уларнинг таъсири жамиятнинг маълум ўзига хос даврининг тараққиётини белгилайди. Ўзбекистон ёшларининг онгида давр талабларидан келиб чиқиб, давр эҳтиёжларига мос равишда замонавий қадриятларни Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг талабларига жавоб бера оладиган, бу жараёнларга фаол муносабатда бўлган ёшлар жамиятнинг асосий субъектив омилларидан бири.

Ҳозирги глобаллашув даврида ёшларнинг онгига таъсир этадиган ҳодисалар турли-тумандир. Бундай ҳодисалардан бири глобаллашув олиб келаётган маданиятдир. Айниқса, глобаллашув натижасида кенг тарқалиб бораётган оммавий маданият ёшларнинг миллий хусусиятлари, онги, ахлоқига катта таъсир ўтказилмоқда. Бу борада асосий вазифа ёшларнинг миллий қадриятларга тўғри муносабатини шакллантиришдан иборат. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”<sup>56</sup>.

Ш.Мирзиёев мамлакатда ёшларнинг жамиятдаги ролини, уларнинг ижтимоий тараққиётда амалга ошираётган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уни ривожлантириш ва жамиятда фаол ижтимоий позицияни эгаллаши учун имкониятлар яратиб бериш зарур, деб ҳисоблайди: “Ёшларнинг истеъдод ва қобилияти, эзгу интилишларини тўлиқ рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун етарлича имкониятларни яратиб бериш бундан буён ҳам бош мақсадимиз бўлиб қолаверади”<sup>57</sup>. Кўриниб турибдики, ёшлар мамлакат ва миллатнинг келажак тараққиёти ресурсининг манбаи бўлиб ҳисобланадиган ижтимоий гуруҳни ташкил этади.

Бу борада асосий вазифалардан бири ёшлар салоҳиятини аниқлаш, мазкур салоҳиятнинг тараққиёти учун шароитларни юзага келтириш ҳамда уни юзага

<sup>56</sup> Мирзиёев, Ш. миллий тараққиёт йўлимизми . . . . .

<sup>57</sup> Мирзиёев, Ш. миллий тараққиёт йўлимизми



чиқариш ва реализация қилиш учун имкониятлар яратишдан иборат. Бунинг учун жамиятда ёшлар тараққиётига хизмат қилувчи иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ва бошқа имкониятлардан етарли фойдаланиш ва уларни тўғри йўналтириш талаб этилади. Чунки ёшлар салоҳиятидан тўғри фойдаланиш уларнинг фаолиятини ҳам мақсадли ва тўғри ташкиллаштиришга ёрдам қилади.

Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида ёшлар муаммосига ўзига хос ёндашуви акс этган бўлиб, мазкур ёндашув ёшлар сиёсати борасида амалга ошириладиган вазифаларнинг методологик асоси бўлиши мумкин. Бу соҳада “бандлик”, “инновация”, “инвестиция” дастур бўлиб хизмат қилади. Мазкур дастур бўш иш ўринларини олий маълумотга эга бўлган ёшлар билан тўлдириш вазифаси, мактабларда юқори синф ўқувчиларини меҳнат бозорида юқори талаб этиладиган касблар ва ҳунарлар ўқитиш бўйича тизим ташкил этиш, қишлоқларда яшаётган 230 минг ишсиз ёшларни маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда МФЙ лар иштирокида иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун Юртбошимизнинг фикрича, 75 минг гектар ер 170 минг нафар ёшлар учун меҳнат қилишга берилади. 10 йил муддат давомида ёш ер эгалари унда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиши мумкин. Уларни иқтисодий жihatдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилди. Кичик хусусий бизнесни ривожлантириш борасида ҳам етарли имкониятлар яратилди. Бунда устахоналар, маиший хизмат, овқатланиш шахобчалари ва бошқалар ташкил этилади.

Қайд этилган йўналишда ёш хотин-қизлар учун катта имкониятлар яратилаётганлиги, айниқса талаба қизлар учун узок муддатга фоизсиз кредит ажратилиши, магистратурага уларни фақат бюджет асосида қабул қилиниши Президентимиз ва Ҳукуматимизнинг ёшлар сиёсатига катта эътибор бераётганлигини англатади. “Сизларга Президент сифатида кафолат бераман. ... Сизлар ўзингиз истаган тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити ҳамда зарур кафолатларни айнан бизнинг юртимизда топасиз” “Сиз Янги Ўзбекистондаги янги имкониятларни кашф қиласизлар, янги ҳамкорларни топасизлар. Янги Ўзбекистон сизнинг бизнес



Google  
Scholar



фаолиятингизда алоҳида из қолдирадиган ёрқин макон бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман”.

Дунёда глобаллашув ва унинг натижасида модернизация жараёнлари ниҳоятда тез суръатлар билан амалга ошаётган ҳамда турли мафкуравий ва ғоявий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги кунда ёшларда миллий қадриятлар ва умуминсоний қадриятларга тўғри муносабатни шакллантириш, уларнинг онгида аксиологик руҳиятни ривожлантириш, миллий-ижтимоий масъулият дахлдорлик туйғусини шакллантириш, миллий-маънавий қадриятларни сақлаш, уларни замон руҳига мос равишда замонавий қадриятлар билан уйғунлаштириш улар асосида ўз турмуш тарзини шакллантириш орқали жамиятда ижтимоий маънавий рухий барқарорлик муҳитни таъминлаш муҳим ижтимоий стратегик аҳамиятга эга.